

Обуна индекси – 1323

Ислом тафанкури • Исламская мысль • Islamic Thought • الفكر الإسلامي

Islam tafakkuri

ISSN 2181-9572



2023-yil
1-son

ҚОДИРОВ Давронбек Хошимович
 Бухоро давлат университети,
 Юриспруденция ва ижтимоий-сиёсий фанлар
 кафедраси
 катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD)
 dagotys@mail.ru

АБУЛҚОСИМ ҚУШАЙРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ДАВР ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ МУҲИТ

ЖИЗНЬ АБУЛКАСИМА КУШАЙРИ И СОЦИАЛЬНО- ПОЛИТИЧЕСКАЯ ОБСТАНОВКА ТОГО ПЕРИОДА

THE LIFE OF ABUL-KASIM KUSHAYRI AND THE SOCIO- POLITICAL SITUATION OF THAT PERIOD

Аннотация: Мақолада X-XI асрларда яшаган, машхур сўфий, аллома ва мутафаккир Абулқосим Абдулкарим Кушайрийнинг ҳаёти, у яшаган даврда халифаликдаги ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамда маданий ҳаёт, шунингдек, тарихий жараёнлар ёритилади. Хусусан, Кушайрий дунёқараши ва илмий меросининг шаклланишида ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий муҳит, шофеъий-ашъарий мактабининг таъсири, алломанинг тасаввуф билан қизиқиши фалсафа тарихи нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Калит сўзлар: ижтимоий-сиёсий муҳит, маданий ҳаёт, тасаввуф, тушунча, давлат, ислом, тафаккур, шофеъийлик, ашъарийлик, ҳанафийлик.

Аннотация: В статье описывается жизнь известного суфия, ученого и мыслителя Абулкаси́ма Абдулкарима Кушайри, жившего в X-XI веках, раскрывается общественно-политическая среда и культурная жизнь халифата, а также исторические процессы. В частности, с позиции истории философии анализируется общественно-политическая обстановка того периода, влияние шафитско-ашаритской школы в формировании мировоззрения и научного наследия Кушайри, в том числе интерес мыслителя суфийским учением.

Ключевые слова: общественно-политическая среда, культурная жизнь, суфизм, понимание, государство, ислам, мышление, шафиизм, ашаризм, ханафизм.

Resume: The article describes the life of the famous Sufi, scientist and thinker Abulkasim Abdulkarim

Kushayri, who lived in the X-XI centuries, reveals the socio-political environment and cultural life of the caliphate, as well as historical processes. In particular, from the standpoint of the history of philosophy, the socio-political situation of that period, the influence of the Shafi-Asharite school in shaping the worldview and scientific heritage of Kushayri, including the thinker's interest in Sufi teaching, are analyzed.

Keywords: social and political environment, cultural life, Sufism, understanding, state, Islam, thinking, Shafism, Asharism, Hanafism.

КИРИШ

Шарқ Ренессансининг машхур алломаси, ислом тафаккурининг ёрқин намояндаси, кўпгина тасаввуф таълимоти вакилларининг маънавий устози бўлган Абулқосим Абдулкарим Кушайрий шахсини ўрганишда, аввало, у яшаган давр, ўша пайтдаги ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамда маданий ҳаёт тўғрисида тушунчага эга бўлишимиз зарур.

Алломанинг тўлиқ исми Абдулкарим бин Ҳавозин Абдулмалик бин Талха бин Муҳаммад ан-Найсабурий Абулқосим ал-Кушайрий ан-Найсабурийдир. Абулқосим Кушайрий асли хуросонлик бўлиб, 376 ҳижрий йилнинг рабиъ ул-аввал ойида (милодий 986 йилнинг июль ойида) Эроннинг шимоли-шарқида, Нишопурга яқин жойлашган Устуво шаҳрида бадавлат оилада туғилган. Унинг аждодлари араб бўлганлар. Устуво шаҳри токи XIII асрда мўғуллар истилосига қадар халифаликнинг шарқий қисмидаги энг бой маданий марказ ҳисобланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кушайрийнинг насл-насаби Хуросон худудига келиб қолиб ўрнашган, асли араб бўлган Бани Кушайр қабиласига бориб тақалади. Алломанинг онаси араб қабиласи Бани Сулаймдан бўлиб, фозила аёл ва илм соҳибаси эди [1:166]. Кушайрийнинг тоғаси Абу Оқил ас-Суллабий Устуво вилоятидаги бир қанча қишлоқларга эгалик қилган, шу билан бирга ҳадис илмининг таниқли билимдони ҳам бўлган. Айнан, унинг тоғаси ёшлигида биринчилардан бўлиб илоҳиёт соҳасида унга устозлик қилганди.

Мутафаккирнинг ёшлиги ҳақида маълумот кам. Маълумки, у ёшлигида Абулқосим Олимонийдан араб тили ва фасоҳат, адаб илмларини мукаммал ўрганган [2:205]. Шу

билан бирга у жанг санъат, от миниш ва камондан отишни ўзлаштирган. Кушайрийнинг отаси ёшлигида вафот этгани учун у болалигиданок фақат ички сезгиси ва билимига таянган ҳолда мустақил қарор қабул қилишга мажбур бўлган.

Кушайрий ўн беш ёшга тўлганида ўзига қарашли бўлган қишлоқдан олинадиган солиқларни камайтириш мақсадида ҳисоб ва хўжалик юритишни ўрганиш учун Хуросон пойтахти Нишопурга келади. У чекка бир қишлоқдан чиққан ўсмир бола бўлганлиги сабаб ўша даврдаги диний-фалсафий фикр ва оқимлардан йироқ эди. Шунинг учун Нишопурда ҳар хил фалсафий, ғоявий ва диний қарашларга эга бўлган турли мактаблар ҳамда оқимлар тарафдорларидан таъсирланган ва кучли таассуротдан, навқирон Кушайрий диний ва фалсафий илмларга қизиқиши ортиб, уларни ўрганишни бошлайди. У 1001 йилда Абу Али Даққоқ (1015 й.в.э.) асос солган машҳур тасаввуф мактабига қўшилиб, тасаввуф илмидан таълим олишни бошлайди. Йигитнинг истезодини кўрган Даққоқ унга илм беришда эътибор қаратади. Кушайрий устозининг энг севимли шогирди ва кейинчалик давомчисига айланади. Абу Али Даққоқ ҳатто шогирдини қизи Фотимага (1001-1088 йй.) уйлантиради ва Кушайрий унинг куёвига айланади [1:166].

Рус тадқиқотчиси В.А.Дроздов ўз мақоласида Р.Грамлич ишига таянган ҳолда Даққоқ шогирдларидан биринчи навбатда ислом аҳкомларини ўрганишни талаб қилган. Шунинг учун Кушайрий тасаввуф таълимотидан таълим олмай, балки кўп вақтини машҳур фиксшунос ва муҳаддисларнинг асарларини ўрганиш, фикс ва ақоид бўйича дарсларни ўзлаштириш билан ўтказди [3:244]. Шу билан бирга Кушайрий фақиҳ ва ашъарийлик мактабининг энг кўзга кўринган мутакаллим Боқиллоний (1013 й.в.э.) маърузаларига иштирок этишни бошлайди.

Кушайрий устози Даққоқнинг вафотидан сўнг унинг мактабидаги сўфийлар мажлиси – мажлис ут-тазқирга раҳбарлик қила бошлайди. У мадрасада дарс беришдан ташқари ҳафтанинг икки кунини китоб ёзишга бағишлайди. Бундан буён унинг муршиди ва маънавий устози Суллаймий бўлади. Абу Абдурахмон Муҳаммад бин ал-Ҳусайн ас-Суллаймий (942-1021йй.) Хуросон тасаввуф мактабининг йирик вакили, кўпгина мумтоз тасаввуфий асарлар, хусусан, “Табакот ус-суфия” (Сўфийларнинг даражалари) агиографик асарнинг муаллифи

ҳисобланади. Бирок, мутафаккирнинг янги муршиди Абу Али Даққоқнинг вафотидан бир йил ўтиб бу дунёни тарк этади. Шунинг учун ҳам Кушайрий умрининг охиригача ўзининг маънавий устози ва муршиди деб биринчи устозини билади. Шундай қилиб, Суллаймийнинг вафотидан сўнг Кушайрий Хуросоннинг энг кўзга кўринган диний арбобларидан бирига айланади.

Кушайрий устозининг мактабини бошқарар экан, 1019 йилда Қуръон Каримга “Латоиф ул-ишорот фил-Қуръон” (Қуръондаги нозик ишоралар) номли катта тафсирини ёзиб тугатади. Бу тафсир унинг уламолар орасида янада олим сифатида обрўининг ошишига ва мактабининг машҳур бўлишига сабаб бўлади. Алломанинг замондоши, шоир Абул-Ҳасан ал-Бохарзий (1075 й.в.э.) унинг маърузаларида қатнашгач у ҳақда “Думйат ул-қаср” (Сарой қўғирчоғи) шундай ёзади: “Агар у ўзининг танбех берувчи сўзларининг қамчиси билан қояларни урганида эди, улар эриб кетган бўларди; агар Иблис унинг хутбаларида эшитганида имон келтириб, ҳақ динни қабул қилган бўлар эди” [3:233].

Кушайрий ҳадис тўплаш мақсадида исломдаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларига кўп саёҳат қилади. У Қуръон тафсирини ёзиб тугатгач шофъий фақиҳи Абу Муҳаммад Жувайний (1043 й.в.э.) ва олими Абу Бакр ал-Хусравгирий (1066 й.в.э.) ҳамроҳлигида ҳаж зиёратига боради.

Мутафаккир ҳаёти давомида асосан фақиҳ ва мутакаллимлар билан дўстона муносабатларни ушлаб турган. Унинг суҳбатдошлари орасида буюк тасаввуф алломалари Даққоқ ва Суллаймийнинг бўлиши бундан далолат беради. Шу билан бирга, у шофъий-ашъарийлик мазҳабидан узокрок бўлган, консерватив қарашларга эга диний уламолар орасида ҳам обрўга эга эди. Кушайрий 1046 йилда ҳаждан қайтгач ҳадис илмидан дарс бера бошлайди ва тез орада Нишопурдаги энг нуфузли диний уламога айланади.

Тожиддин Субкий Кушайрийнинг интуитив билиши билан боғлиқ бир воқеани келтиради. Мутафаккирнинг ўғли оғир касалга дучор бўлади. Кушайрий тушида бир илохий рўёни кўради ва унга “Тавба”, “Юнус”, “Наҳл”, “Меърож”, “Шуаро” ва “Фуссилат” сураларидаги олти шифобахш оят кашф бўлади. Ривоятга кўра, бу рўё туфайли Кушайрийнинг ўғли шифо топади ва шундан буён ушбу

суралардаги оятлар тасаввуф амалиётида касалларни даволашда қўлланила бошланган.

Ривоятларга кўра, Қушайрийнинг асосий рақиби сакр, яъни тасаввуфдаги мастлик ҳоли тарафдори бўлган хуросонлик сўфий Абу Саид Майхоний (1049 й.в.э.) бўлган. Машҳур сўфий Абу Саид Хайрнинг невараси Муҳаммад Майхоний томонидан таълиф этилган “Асрор ат-тавҳид фи мақомот шайх Абу Саид” (Шайх Абу Саид мақомидаги илоҳий ваҳдат сирлари) мақомотида келтирилишича 1178 ва 1200 йиллар орасида Абу Саид Нишопурга бориб, Қушайрий мактабида таълим бериб юрганида уни зиёрат қилган. Ушбу манбага кўра, Қушайрий фикрий зиддиятлар туфайли шогирдларига Абу Саид маърузаларида иштирок этишни тақиқлаган. Бунинг сабаби Қушайрий мўътадил тасаввуф тарафдори бўлиб, у тасаввуфни суннийлик таълимоти ва шариат доирасида бўлиши лозим деб ҳисоблаган. Унинг бу масаладаги қатъий позицияси икки тасаввуф етакчиси ўртасидаги қарама-қаршилиққа сабаб бўлган. Бир қанча вақт ўтгач сўфийлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланади ва ҳар иккала тасаввуф мактаби дарсларига иштирок этадиган талабалар пайдо бўлади.

Юқорида зикр этилган, икки сўфийнинг ўзаро муносабати ҳақидаги бу ҳикоя Ироқнинг машҳур мутасаввифлари Мансур Халлож ва Жунайд Бағдодий ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги ҳикояга ўхшашдир. Бу ривоятлар қизиқарли туюлгани билан ҳақиқатлиги ўта шубҳалидир. Р.Грамличнинг фикрига кўра, Қушайрий ва Абу Саид ўртасидаги муносабатлар ҳақида бу ҳикоя уларнинг шахсиятини тасвирловчи гўзал афсонадан бошқа нарса эмас. Қолаверса, Қушайрий ўз асарларида бирор марта Абу Саидни тилга олмаган ва унга ишора қилмаган.

Қушайрийнинг устози Абу Али Даққок, ўз навбатида, Ироқ мактабининг Хуросондаги бош вакили, Шиблийнинг шогирди Абулқосим ан-Насрабозийдан (977 й.в.э.) таълим олган. Абу Бакр Дулаф бин Жаъфар аш-Шиблий (861-946 йй.) эса жазбага асосланган ўзига хос ироқ тасаввуф мактабининг ёркин намояндаси бўлиб, Жунайд Бағдодий ва Мансур Халложларнинг яқин шогирди ҳамда издоши ҳисобланади.

Фалсафа тарихида бирор бир мутафаккир тафаккури шаклланишини таҳлил қилишда, албатта, уни шахси шаклланишида рол ўйнаган ўша даврга хос тарихий шароитни четлаб

бўлмайди. Бинобарин, Қушайрий яшаган араб халифалигида диний ва фалсафий оқимларнинг вакиллари давлатда содир бўлаётган сиёсий ўзгариш ҳамда жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлишган. Бундан ташқари, улар аксарият ҳолларда айнан сиёсий ўзгаришларнинг асосий мафқурачиси ва раҳнамолари эдилар.

Ўша даврдаги сиёсий воқеалар кескин ўзгаришларга бой бўлган. Каспий денгизига яқин бўлган худуддан чиққан бувайҳийлар сулоласи вакиллари Фарбий Эрон ва Ироқда (932-1055 йй.) ҳокимиятни қўлга киритадилар. Ушбу сулолага ака-ука Аҳмад, Ҳасан ва Али асос солади. Уларнинг отаси Бувайҳ Эрон подшоҳи Баҳром Гўрнинг авлоди бўлиб, Дайлам (Гилон вилоятининг тоғли қисми)даги жангари қабилаларнинг бошлиғи эди. Шунинг учун уларни манбаларда дайлабийлар деб ҳам атайдилар. Бувайҳ 930 йилда сомонийлардан мустақил бўлиб, зиёрийларга қўшилади. Зиёрийлар ҳукмдори Мардовиж (928-935 йй.) Бувайҳнинг ўғли Алини Караж шаҳрига волий этиб тайинлайди, Аҳмад ва Ҳасанни эса қўшинга ҳарбий саркарда қилиб қўяди. Бувайҳийлар 932-945 йилларда Эрон ва Ироқнинг шарқий худудларини босиб олгач халифа Ал-Мустакфий Биллох (Абдуллох) (944-946 йй.) уларни ўзлари истило қилган вилоятларга ноиб этиб тайинлашга мажбур бўлади. Улар ўзларини қадимги Эрон шоҳлари каби шаҳаншоҳ деб атаб бошлайдилар.

Бувайҳийлар адабиёт ва илм-фанга ҳомийлик қиладилар, жумладан, Шероз, Рай, Исфаҳонда кутубхона ва мадрасалар қурадилар. Бу давлат ягона бошқарувга эга бўлмай, босиб олинган худудлар турли ҳукмдорлар ўртасида бўлиб олинган. Шу билан бирга, давлатнинг расмий пойтахти ҳам бўлмаган, чунки ҳокимият ўша пайтдаги энг кучли ҳукмдор бошқарган шаҳарга ўтиб турган. Бундай бошқарув тизими давлатчиликнинг заиф жиҳати бўлишига қарамай, у фан ва санъатнинг ривожланишига имконият яратган. Зеро, ҳар бир ҳукмдор ўз шахрининг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти ҳақида қайғуриб, ўз саройига ёзувчи ва олимларни жалб қилишга интилган. Бағдодда расадхона қурилиб, халифаликнинг энг обрўли ва машҳур олимлари – файласуфлардан Ибн Сино, Мискавайх, шоир Фирдавсий, географ Истахрий, математик ва астроном Насовий, адабиётшунос Тавҳидий қабилар саройда қабул қилинган. Сарой мулозимлари ва

давлат арбоблари ҳам сиёсатчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли юксак савияли ва илмли бўлишган. Шу билан бирга, сарой диний уламолардан кўра олимларнинг кўплиги билан ажралиб турган. Интеллектуал қатлам вакиллари, улар қаторида Қушайрий ҳам ўта юксак мақомга эга бўлишган. Юқори мавқега эга бўлган илм аҳлига ҳам халқ, ҳам ҳокимият вакиллари кулоқ тутишган.

Бошқа томондан, аббосий халифалар Бувайҳийларга бўйсунгач ҳақиқий ҳокимият ва қудратларини йўқотадилар. Халифалар ислом оламига фақат ақлий ва фикрий соҳада таъсир доирасини сақлаб қоладилар. 1017 йилда халифа ал-Қодир (991-1031 йй.) махсус фармон чиқариб, мўътазилийлардан ўз таълимотларидан бутунлай воз кечишни талаб қилади. У агар мўътазилийлар итоат этмасалар, уларни жазога тортиш билан таҳдид қилади. Мамлакатда сунний исломдан ташқари барча мазҳаблар бидъат деб эълон қилиниб, уларни масжид минораларидан лаънатлаш, давлатдан ҳайдаб чиқариш ва қатл этиш бошланади.

Ўша йили у ҳанбалий мазҳабиغا асосланган ва обрўли ҳанбалий олимлари томонидан имзоланган “Рисола”ни тузади. У Бағдоддаги халифа саройида тантанали равишда эълон қилинади. Бу ҳужжат “ар-Рисолат ул-қодирия” деб номланиб, ислом тарихида расмий аҳамиятга эга бўлган биринчи қонун ҳисобланади. Қушайрий билан дўстона муносабатда бўлган халифа ал-Қоим (1031-1075 йй.) даврида ушбу ҳужжатнинг асосий қоидалари яна тасдиқланади.

Ушбу “Рисола”нинг ёзилишидан мақсад нафақат мўътазилийликни бидъат деб эълон қилиш, балки Бағдоднинг шиалар истиқомат қиладиган ҳудудларига кириб келган ва исмоилий мазҳабини тарғиб қиладиган фотимийлар миссионерларининг фаолиятини тўхтатиш бўлган. Бу ҳужжат шиаликнинг ҳар қандай шаклини, мўътазилийлик ва ҳатто ашъарийлик танқид остига оларди. Ашъарийликни танқид қилиш сабаби унда мўътазилийлар билан муроасага киришганлиги анъанавий эътиқодга хавф деб қаралишида эди. Шундай қилиб, ҳар қандай шиалик оқимлари ва мўътазилийлик таълимотини тарғиб қилиш тақиқланди ва ҳанбалийлар таъсири остида пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларига эҳтиром кўрсатиш ҳақиқий мўминларнинг бурчи сифатида асосий ўринга чиқарилди.

Фон Грюнебаумнинг фикрига кўра, тасаввуф ҳам ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсири остида қолган: сўнгги бувайҳийлар даврида сўфийлар шариатни тасаввуфдаги маърифатнинг зарурий шarti сифатида кўра бошлаганлар, шунингдек, илоҳиётшуносларни тасаввуфий шакллари тан олишга чақира бошлаганлар [4:146]. Бу ҳолат ўша даврда ҳанафийлар таъсирининг заифлашиши, шариатнинг сўфийлар таъсири остига бўлиши, олим билан оддий одамларнинг эътиқоди ўртасида фарқнинг пайдо бўлиши, ҳанбалийларнинг илм-фанга қаршилиги билан боғланади. Буларнинг бари бувайҳийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Шунинг учун оддий халқ учун сунний уламолар томонидан қўллаб-қувватланган, эътиқод ва шариат билан мос келадиган тасаввуфий концепцияни яратиш эҳтиёжи вужудга келади. Айнан шу истак Қушайрийнинг тасаввуфни нима бўлишидан қатъий назар сунний ислом эътиқоди доирасига киритишга интилишини тушунтиради.

Тасаввуф билан бир қаторда ашъарийлик ҳам мўътазилийлик ва оқимларга ажралишни танқид қилишига қарамай тақибга учради. Бирок, бу оқимлар учун асосий хавф бувайҳийлар сулоласи ва сиёсий таъсир кучига эга бўлмаган аббосий халифалар томонидан эмас эди. Ўша даврдаги кескин сиёсий ўзгаришлар натижасида кўчманчи халқ – салжуқийлар ҳокимият тепасига келгач ортодоксал суннийликга мансуб бўлмаган оқимларнинг вакилларига оғир синовли кунлар келди.

Адудуддавла вафотидан сўнг мамлакатда бошланган тахт учун кураш оқибатида бувайҳийлар заифлашиб қолиб, 1029 йилда мамлакатнинг шарқий қисми Маҳмуд Ғазнавий томонидан ишғол этилади. 1055 йилда эса салжуқийларнинг кириб келиши натижасида бувайҳийлар сулоласи ҳукмронлигини батамом тугатилади. Кўчманчи салжуқийлар бувайҳийларга нисбатан тараққиётда бироз ортда эди. Туркий қабилалар исломни форсларга нисбатан кечроқ қабул қилгандилар ва уларнинг мақсади бувайҳийлардан фарқли равишда ислом байроғи остида Шарққа қараб ҳудудларни кенгайтиришга йўналтирилган эди. Туркий қабилаларнинг асосий мақсади Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаш бўлган.

Салжуқийлар ҳарбий қудратга қарамай, эгаллаб олган ҳудудларида маълум бир

муддат мустаҳкам ўрнашиб олишга муваффақ бўлдилар. Улар марказлаштирилган ҳокимиятга эга бўлмаганликлари учун эгалланган ҳудудларнинг аҳолиси тез орада кўзғолон кўтариб, мустақил бўлишга интила бошлашди. Бу вақтга келиб бу ерларнинг аҳолиси ислом динини қабул қилиб, мусулмон умматининг бир қисмига айланди. энди ҳокимият ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва легитимлигини исботлаши ҳамда аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиши учун диний уламоларга эҳтиёж пайдо бўлди. Бундай ижтимоий вазиятда фақат ягона дин турли халқларни бирлаштирадиган ҳамжамиятга айлантиришга хизмат қиларди. Давлат ва ҳокимият вакиллари буни англаб етгандилар. Шунинг учун ҳам давлат илоҳиётга эътиборни кучайтира бошлади. Салжуқийларнинг асосий мақсади суннийликни кучайтириш, уни ақлий воситалар билан мустаҳкамлаш бўлган. Буни уларнинг рукн уд-давла - “давлатнинг устун” ва рукн уд-дин - “диннинг устун” каби фахрий давлат унвонларини жорий этганлиги ҳам далолат беради.

Салжуқий султони Тўғрулбек (1038-1063 йй.) ҳукмронлиги даврида ханафий бўлган Абу Наср Кундурий Нишопурий (1021-1064 йй.) вазир этиб тайинланади. У жума хутбаларида рофизийларни лаънатлашга, сўнгра эса ашъарийларга лаънат айтишга буйруқ беради. Юқорида айтганимиздек, Абулқосим Кушайрий бу вазиятда Нишопурдаги шофеъий-ашъарийлар жамоасининг раҳбари ўлароқ шаҳардаги ханафийлар ва шофеъийлар ўртасидаги ихтилофда иштирок этади. 1045 йилда у ханафийларга мурожаат этилган фатвони имзолаб, унда Ашъарий таълимоти суннага мувофиқ эканлиги ва шариатга мослигини таъкидлаб, мўътазилийлар, рофизийлар, хорижийлар ва динга бидъат киритадиган мусулмонларга қарши чиқади.

ХУЛОСА

Кушайрий ўзига қарши уюштирилиши мумкин бўлган эҳтимолий тақиб ва кўнгилсиз оқибатлардан қўрқмай, 1054 йилда “Шикоят аҳли Сунна” (Суннийларнинг бошига тушган бахтсизликдан шикояти) деб номланган рисолаи ёзади ва уни турли мамлакатларнинг олимларига жўнатади. Ушбу рисолада у Ашъарийнинг имондан оғишнинг барча кўринишларини қоралаганлигини, Қуръоннинг

яратилмаганлиги ва унинг худонинг каломи эканлигини таъкидлайди. Мутафаккир бу рисолада мужасимийлар, қадарийлар, карромийлар ва мўътазилийларга қарши далилларни келтиради. У агар одамларда Калом илми ва эътиқод тўғрисида тушунча ва билимга эга бўлмасалар, улар мўмин эмас, балки оддий тақлидчилардир деб уқтиради. Кушайрий ашъарийларнинг ғоявий раҳнамоси сифатида ҳибсга олиниб, Нишопур яқинидаги Кўҳандиз шаҳри қалъасига бир неча ҳафтага ташланади. Бироқ, кўп ўтмай у ўзининг тарафдорлари томонидан озод этилади.

Кушайрий илмий мероси ва фалсафий қарашларини ўрганиш учун манбаларни тарихий, фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Мутафаккир қарашларини фалсафа тарихи нуқтаи назаридан ўрганишда, биринчи навбатда, асарларнинг аксар қисми йўқолганлиги, борлари ҳам ҳали таржима қилинмаганлиги тадқиқот ишларини мураккаблаштиради. Бу эса Кушайрий асарлари сақланадиган жаҳон кутубхоналаридан уларнинг нусхаларини олишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мухаммад Иброҳим Халил, Марал Ҳошим Жамил. Ал-имом ал-Кушайрий – ҳаятуху-нашъатуху ал-илмия//Мажаллат ул-улум ал-исломия. Қоҳира, 2009. – С. 166-168.
2. Ибн халликон. Вафийёт ул-абён. – Байрут, 2001. –С. 205.
3. Дроздов В.А. Абу-л-Касим ал-Кушайри и его трактат о суфизме // Востоковедение. -№27. – Санкт-Петербург, 2006. - С.244.
4. Фон Грюнебаум Г.Э. Классический ислам.- Москва, 1986.- С.146.
5. Арберри А.Дж. Суфизм. Мистики ислама. - Москва, 2002. - С. 126-127.
6. Nicholson R. A. The Mystics of Islam. - London, 1914. - P.126.
7. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. - Москва, 2000. - С.75-76.
8. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. - Москва, 2004. - С. 146-149.
9. Иброҳим Басйуний. Имом ал-Кушайрий. Ал-Қоҳира, 1972.
10. Hartmann R. Al-Kuschairis Darstellung des Sufitums Mit Uebersetzungen. Beilage und Indices. - В., 1914.
11. Ал-Кушайри, Абу ал-Касим Абдал-Карим б Хавазин. Кушайриево послание о суфийской науке / Пер Кныша А Д // Ступени. –Санкт-Петербург, 1992. -№ 2 (5).

МУНДАРИЖА

ҚУТЛОВ

З.М.Исломов. Тарих фанлари доктори,
профессор Мирсодиқ Исҳоқов 80 ёшда.
Қадимият илмларининг нодир билимдони 3

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Н.Юсупова. Мовароуннаҳрлик фақиҳ
Фахруддин Қозихон ҳаёти ва илмий
мероси 6

Я.У.Абдурахмонов. Ўзбекистонда вақф:
тарих ва замонавий талқинлар..... 11

Ф.Ҳалимов. Ўзбекистонда вақф хайрия
жамоат фондини ташкил этиш асослари ва
унинг ислом ҳуқуқи билан алоқадорлиги..... 20

ТАСАВВУФ

Х.М.Алимов. Тасаввуф психологиясининг
фан сифатидаги муаммолари 25

В.М. Absattorov. Imom G‘azzoliy ilmiy
merosida shariat va tariqat o‘rtasidagi
murosa masalasi 29

Д.Х.Қодиров. Абулқосим Қушайрийнинг
ҳаёти ва давр ижтимоий-сиёсий муҳит..... 35

Л.Х.Саидова. Роль Рабии Адавий
в суфизме 40

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК

З.Дж.Арипова. Араб тилидаги мақолларни
ўзбек тилига таржима қилиш усуллари 45

Ҳ.А.Исмоилова. Teaching the pronunciation
of emphatic consonants in arabic language 49

М. Nasirova, S. Asgarova. “Al-Mufassal fi
san’ati-l-e’rob” asarining manbalari 52

И.Н.Турсунов. Терма ва дostonчилик
муносабатлари тадқиқига доир..... 55

Б.З.Даминов. Навыки аудирования по
арабскому языку 62



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:

Музаффар КОМИЛОВ

Нашр учун масъул:

Иродахон ГАФУРОВА

Таҳрир ҳайъати:

Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ
Матлюба КАХХАРОВА
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ
Иродахон ГАФУРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Содиқ ТОШБОЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разия МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:

Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iia.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 13.03.2023 йилдаги
03-07/1698-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёмалар қайтарилмайди.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос
олинса, «Ислом тафаккури» журналидан
олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилмаётгани сабабли
уни ножиоз жойларга ташламанг.

Журналдаги мақолаларда берилган маълумотларнинг
тўғри ва оригиналлиги учун муаллифларнинг шахсан
ўзлари масъулдирлар.

Босишга 08.04.2023 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида
босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

М.Каримова. Abu Iso Termiziyning “Shamoli Muhammadiya” asaridagi tashbeharga doir ayrim mulohazalar 67

Н.Н.Жолдыхожа, Ч.Х.Маккамбаева. Классификация, характеристики и свойства деловых писем..... 71

ХАДИСШУНОСЛИК ВА ҚУРЪОНШУНОСЛИК

Х.С.Сайдакбаров. Imom Moturidiyning “Ta’vilot al-Qur’on” asarida oyatlarning hadis bilan tafsir qilinishi 77

АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ

М.М.Агзамова. “Тарих ар-Нусул вал-Мулук” ривоятлари асосида тарихий жараёнлар ёритилишининг ўзига хослиги ... 84

ДИНШУНОСЛИК

Ш.Р.Тоҳтиев. Роль религии в предотвращении гендерных проблем 89

Ў.Хасанбаев. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг радикализм ва экстремизмга қарши кураш тажрибаси..... 94

Ж.Р.Алиев. Замонавий тақфирчилик ғояларининг илдишлари ва жиҳодий ҳаракатларнинг шаклланиши 99

ПЕДАГОГИКА ВА ТАРБИЯ

М.Мирқосимова. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш..... 104

Р.Б.Матибаева, Г.Т.Муртазаева. Психологические основы методики обучения иностранным языкам 108

М.А.Алтынбеков, А.С.Маханбет. Zamonaviy o‘qituvchiga qo‘yiladigan asosiy talab – axborot kompetensiyasi..... 112

С.Б.Бейсембаева, А.С.Эбдірахман. Использование метода case study при обучении студентов университета русскому языку, как иностранному 119

Г.Г.Еркибаева, Д.В.Кошелева. Формирование лингвистической компетенции при обучении различным видам речевой деятельности..... 127

С.Ж.Ибадуллаева, М.К.Жорабекова, А.А.Амандык. Использование информационно-коммуникативных технологий в образовании для повышения качества учебного процесса 136

А.М.Каримова, С.Б.Бейсембаева. Подходы и методы исследования концепта «семья» в русской лингвистике 142

Л.К.Рысбекова, Д.Т.Акимжанова. Технологические тренды в мировой системе образования 150

М.Т.Қодирова, Г.Т.Муртазаева. Олий таълим муассасалари араб тили ўқитувчисининг педагогик компетенциясини таъминлаш тизими ва инновацион технологияси 158

К.О.Ҳусупова. Ayollar orasida ilm-fanni rivojlantirish – barqaror taraqqiyot garovi..... 166

ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

А.А.Худояров. Жаҳон мамлакатларида туризм индустриясининг ривожланиш хусусиятлари..... 169

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

Q.S.Rahmanov. Ta’lim jarayonida interaktiv kontentlarni ishlab chiqishda «kahoot» platformasidan foydalanish..... 175

А.А.Маҳкамов, О.О.Ахмадалиев. O‘zbekistondagi islom sivilizatsiyasi markazining integrallashgan platformasini ishlab chiqish va xafsizligini ta’minlash 185